СҮНГГИ СОАТДА

ДУДЛАНГАН БАЛИҚЛАР

ФАРҒОНА. Гўшт-колбаса ишлаб чиқариш комбинатида дудланган балиқлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Тирик балиқларни маҳаллий шароитда кўпайтирилган Бешариқ, Данғара ва Риштон сув ҳавзаларидан келтириляпти. Комбинатда фойдаланилмай ётган имкониятлар ишга солиниб, колбаса тайёрлаш корпуси қайта таъмирланди. Ойига 30 тоннагача дудланган балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона вужудга келди. Маҳсулотлар водий шаҳарлари ва қўшни республикаларга етказиб берилмоқда.

Тошмат ҲАМИДОВ.

УЧ БАРОБАР АРЗОН

НАМАНГАН. Ҳақулободдаги вилоят қон қуйиш станцияси зарур суюқликни Россиядан олар эди. Бу ерда очилган "Шифобахш" корхонаси ёрдамида бундай суюқликни ўзимизда тайёрлашга эришилди. Натижада донорлардан олинган қон ҳисобига вилоятдаги 19 қон қуйиш шахобчасига 28 литр албумин, 276 литр плазма, 17 литр стофилакокка қарши ишлатиладиган плазма ва 193 литр эрмасса тайёрлаб жўнатилди. "Шифобахш"да тайёрланаётган суюқлик хориждан келтирилаётган қон концерватига қараганда уч баробар арзонга тушмоқда.

Зокиржон ЮНУСОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

"ШАҲРИСТОН" ҲАМИША ГАВЖУМ

БУХОРО. "Шаҳристон" бозори эл севган йирик савдо масканларидан бирига айланмоқда. Бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қатори ҳунармандчиликка аҳамият берилянти. Хусусан, турли дўконлар очилиб, енгил автомашина ва унинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилиш йўлга қўйилган. Бозордаги "Абдукарим бобо" чойхонаси ҳамиша гавжум. "Шерали" хусусий дўкони, "Мадина" дорихонасида кўрсатилаётган хизматдан кўпчилик мамнун.

Нормуҳаммад РАМАЗОНОВ.

КУЁВ ТУРК – КЕЛИН ЎЗБЕК

САМАРҚАНД. Шаҳардаги давлат чет тиллар институти қошида ташкил этилган ўғил болалар лицейи тўрт йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда турк ўғлони, кимё фани ўқитувчиси Аҳмадбек эътибор топган. У Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур лицей ўқитувчиси Наргизаойга кўнгил қўйди. Лицейнинг Туркия томонидан мудири — бошқони Меҳмет Ҳижр Ҳамро аканинг ҳовлисига совчи бўлди. Ўзаро келишувдан кейин сокин куз оқшомида бахт тўйи нишонланди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

СҮНГГИ СОАТДА

ТАЛИМАРЖОНДА ГАП КЎП

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон туманидаги "Истиқлол" бўрдоқичилик жамоа хўжалигида кунига 1 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Талимаржонликлар бундан беҳад қувонишди. "Яхши ният" хусусий фирмасининг очилиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди. Фирма чеварлари турли кийим-кечаклар тайёрлашни бошлаб юбордилар. "Ёшлик" қаҳвахонасига қарашли цехда тайёрланаётган бўрсилдоқ нонлар эса аҳолига маъқул бўляпти

Шерхон ҚОРАЕВ.

ЖАҲОН ЁШЛАРИ ҚЎЛ ТУТСА МАҲКАМ

ТОШКЕНТ. Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси Жаҳон ёшлари кунига бағишланган икки қисмли байрам кечасини ташкил этди. Сўзга чиққанлар ёшлар фаолияти, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, жаҳон ўғил-қизларининг эзгу-ният йўлидаги камарбасталиги ҳақида мулоҳаза юритдилар. Кечада хонандалардан З. Қулабдуллева билан Ю. Абдуллаева ҳамда "Мўтти" қизиқчилар теарти жамоаси хизмат кўрсатишди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 16 ноябрь, шанба № 147 (22.068).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЕВРОПА МАРКАЗИДАГИ МУЛОҚОТЛАР



СУРАТЛАРДА: Белгия диёридаги учрашувлар.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-14 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Белгия қироллигида бўлди.

Мамлакатимиз тараққиёт ва эркин ривожланиш омили бўлмиш бозор муносабатлари, иқтисодиётни юксалтириш сари дадил одимлаб бораётир. Бунда узоқ йиллик тажриба, юксак техника ҳамда технологияга эга хорижий шериклар билан иш юритиш, улар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилиш, юртимизга кўплаб чет эл сармоядорларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда республикамиз бу борада талай ютуқларни қўлга киритиб, дунёнинг турли давлатлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлади, жаҳон ҳамжамияти эътирофига эришди.

Ўзбекистон Президентининг Белгияга ташрифи ана шу эътироф билангина чекланиб қолмай, икки мамлакатнинг мавжуд улкан имкониятларини ишга солиш, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган эди. Ўзбекистон Президентининг Брюсселдаги дастлабки учрашувларидан бири айнан Белгиянинг йирик компания ва фирмалари раҳбарлари, тадбикорлари билан бўлгани бежиз эмасди. Белгия ташқи савдо офисида бўлган учрашувда мазкур офис фахрий раиси шаҳзода Филипп Президент Ислом Каримовни ўз юрти заминида қутлар экан, ўзбек халқи қадимдан ишнинг кўзини билгани, бу эса мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. «Бугун икки мамлакат ҳамкорлигини янада равнақ топтириш учун улкан имкониятлар мавжуд, шу маънода Сизнинг ташрифингиз айни муддао бўлди», деди Белгия шаҳзодаси.

Президент Ислом Каримов йиғилганларга Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўли, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки самаралари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалари хусусида сўзлаб берди. Белгия тадбиркорлари диққатини мамлакатимизнинг чет эл сармоядорлари учун қай даражада жозибали эканига қаратди — Ўзбекистонда улкан хом ашё базаси мавжуд, ишчи кучи арзон ҳамда сармоя киритувчилар учун қулай ҳуқуқий асос яратилган. Ислом Каримов Белгия компанияларининг юксак технологияга эгалигини таъкидлаб, «Сизнинг технологиянгиз — бизнинг ресурсларимиз» шаклида ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқи белгиялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасининг маркази сифатида билиши ва сайёҳлик инфраструктураси, қурилиш ва бошқа соҳаларга сармоя киритиш имкониятлари билан қизиқдилар. Шунингдек, тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Мулоқотлар якунида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Белгиянинг «Женерал» банки ўртасида кредит битими имзоланди. Уни мазкур банклар раҳбарлари Р. Азимов ва М. Бланкен имзолади.

Мамлакатимиз раҳбари Белгия парламентида бўлиб ўтган сенат ва вакиллар палатаси раҳбарлари билан учрашувда нутқ сўзлади. Ислом Каримов Ўзбекистон — Белгия муносабатлари ҳақида тўхталиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда ҳар икки давлат парламентларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Сенат раиси Фрэнк Свален Ўзбекистон Белгиянинг Марказий Осиёдаги стратегик аҳамиятга молик ҳамкори экани ҳамда нафақат икки томонлама муносабатларда, балки, республикамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам Белгия уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Белгия парламентида сенат раиси ва вакиллар палатаси раиси номидан Ўзбекистон Президенти шарафига зиёфат берилди.

Брюсселни бежиз Европа ҳамжамиятининг маркази дейишмайди. Бу ерда НАТО, Европа Иттифоқи, Европа Иттифоқи кенгаши, Европарламент каби ўнлаб халқаро ташкилотлар қароргоҳлари, дунёнинг юзлаб йирик фирмалари ваколатхоналари жойлашган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Брюссел мэриясида бўлган учрашувда нутқ сўзлар экан, худди шу жиҳати учун ҳам Брюсселни Европа интеграциясининг тимсоли дея атади.

— Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг қатъий иродаси ва узоқни кўзлаб иш тутиш сиёсати натижасида мамлакат ишонч билан тараққиёт сари бормоқда ва иқтисоди юксалмоқда, — деди Брюссел бургомистри К.Ф. Де Доннеа учрашувда. — Буни халқаро ҳамжамият аллақачон эътироф этган. Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган беш йил давомида минтақадаги айрим нотинчликларга қарамай, барқарорликни сақлаб қолди ҳамда фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришди.

Мамлакатимиз Президенти Брюссел шаҳар мэрияси фаолияти билан танишди ҳамда унинг олтин китобига эсдалик дастхати битди.

Европада, жумладан, Белгияда расмий иш юритиш таомиллари албатта, Шарқдан фарқ қилади. Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими ташрифнинг иккинчи куни кечга яқин бўлди. Буни мамлакатимиз раҳбарининг сафар дастури тиғизлиги, учрашувлар ва мулоқотларнинг кўплиги, хуллас, ташрифнинг ҳар бир дақиқасини самарали ўтказишга интилиш билан изоҳлаш лозим.

Шу куни Брюсселдаги Эгмонт саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Белгия қироллиги давлат мадҳиялари янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане Ўзбекистон Республикаси ва Белгия қироллиги ўртасидаги қўшма сиёсий декларацияга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Белгия Бош вазири ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Айни пайтда Эгмонт саройининг мовий залида Ўзбекистон ва Белгия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Кечқурун Ўзбекистон Президенти шарафига Белгия Бош вазири номидан зиёфат берилди.

Ташрифнинг учинчи куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Белгия қироли Алберт Иккинчи билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Брюсселдаги қадимий сарой — «Вал дюшес» қароргоҳида Белгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстатдни қабул қилди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Белгия қироллиги ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик ва фойда ҳамда капиталдан олинадиган солиқни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция, ҳаво алоқаси ҳақидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ва Белгия бош вазири ўринбосари Филипп Мейстатд имзолади.

Қўшма сиёсий декларация ва бошқа ҳужжатларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистонда Белгиянинг юксак технологиясига интилиш бўлганидек, Белгияда ҳам юртимизнинг ўтмиши ва бугуни, улкан имкониятларига қизиқиш кучлидир.

— Бухоро, Самарқанд, Хева каби жаҳон хазинаси жавоҳирларига эга Ўзбекистоннинг бой маънавий ўтмиши ва тарихига қизиқишимиз нақадар кучли бўлса, — дейди Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане, — мамлакатингизнинг бугунига бўлган қизиқишимиз ҳам асло ундан қолишмайди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришди. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар Белгияни Ўзбекистон билан яна ҳам кенг ҳамкорлик қилишга чорлаётир.

Ўзбекистон раҳбари Брюсселда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан ҳам мулоқотда бўлди. Маълумки, Ўзбекистон Шимолий Атлантика алянсининг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо бўлганидан буён у билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистон аскарлари мазкур дастур доирасида ўтказилаётган бир қанча ҳарбий машқларда иштирок этмоқда. НАТО маъмурияти мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасидаги энг фаол ҳамкорларидан бири сифатида билади. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг минтақада тинчликни сақлаш, Афғонистондаги урушни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, хусусан, бу мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаш борасидаги таклифи НАТО томонидан маъқулланмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлашуви жараёни, Европа ҳамжамияти мамлакатлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалари кундан кунга равнақ топаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда Европа Иттифоқининг таъсис дастури доирасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ёзида Флоренцияда «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг имзоланиши ўзаро ҳамкорлик учун кенг ҳуқуқий асос яратган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси раиси Жак Сантер билан учрашувида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида оралиқ битимининг имзоланиши ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъкидлади. Шунингдек Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва имкониятлари ушбу манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан нафақат савдо-иқтисодий, балки, сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятига эга, деди Президент.

Шу куни Европа Иттифоқи Кенгашида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралиқ битими имзоланди. Битимни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Европа Иттифоқининг доимий вакиллар қўмитаси раиси, Ирландиянинг Европа Иттифоқидаги элчиси О. Лира, ЕИКнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича бош директори ўринбосари Ж. Ляморе имзолади. Ушбу ҳужжат аввал имзоланган «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим» Европа Иттифоқига аъзо давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилингунга қадар юзага келадиган оралиқдаги бўшлиқни тўлдиради. Қисқача айтганда, оралиқ битим имзоланиши билан асосий ҳужжат кучга киради.

Ўзбекистон раҳбарининг Белгия қироллигига расмий ташрифи икки мамлакат алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон — НАТО ва Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси Брюсселга келган куни шаҳарни бир неча кун кўз очирмаган ёмғир тўхтади. Чарақлаб чиққан қуёшдан сўнг булутлар тарқалиб кетди. Шу боис Президент Ислом Каримов учрашувларнинг бирида «Биз сизларга Ўзбекистон қуёши тафтини олиб келдик» дея лутф этди. Қуёш ҳамиша яхшилик аломати бўлиб келган. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги ёруғ истиқболга эгалиги шубҳасиздир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Белгия сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Ўзбекистоннинг Белгия қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Файзуллаев ва бошқа расмий кишилар ҳамкорлик қилди.

15 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Тошкентга қайтиб келди.

Муҳаммад ШАРИФ, ЎзА махсус мухбири.

МАТБУОТ – МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲОКИМЛИКЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР, ЖАМҒАРМАЛАР ВА МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАРЧА ОБУНАЧИЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар! Бизга ота-боболаримиз ҳавас ва орзу қилган мустақиллик замонида яшаш насиб этди. Истиқлол шарофати билан жонажон диёримиз дунёга танилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бозор муносабатлари қарор топаётир.

Ижтимоий ҳаётимиздаги бундай оламшумул ўзгаришлар одамлар тафаккурида ҳам давом этмоқда. Бугун Ватан ҳар қачонгидан маърифатли, ҳар қачонгидан зиёли ва ҳар қачонгидан билимли фуқароларга эҳтиёж сезмоқда. Инсоний комиллик эса мамлакатда ва дунё миқёсида бохабарлик, воқифлик ва дахлдорлик қўлами билан белгиланади. Бохабар одам бошқаларга қараганда кўпроқ ютуққа эришади, ҳаётнинг олдинги марраларида юради.

Жамиятимизда кечаётган шиддатли янгиланиш палласида матбуотимиз ҳам янгича қиёфа, янгича мазмун касб этмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқида баён этилган матбуотни демократлаштиришга оид дастурий кўрсатмалар мустақиллик тонги ўзбек матбуоти тараққиётида муҳим босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил! «Оммавий ахборот воситалари, — дейилади нутқда, — демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур».

Бугун ўзбек матбуоти ана шу катта йўлда дастлабки қадамларни қўймоқда. Яқин-яқингача Россия газеталарида эскириб улгурган ахборотлар, дунё янгиликлари икки-уч кун ўтиб миллий матбуот саҳифалари юзини кўрарди. Эндиликда мўъжизакор «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан ер юзининг исталган гўшасида содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабар зудлик билан қабул қилиб олинмоқда, пешма-пеш ахборот воситаларига узатилмоқда.

Азиз муштарийлар! Кафолат бериб айтамизки, газета ва журналларда сиз мухлислар кўнглини безовта қилаётган, сиз азизларни қизиқтираётган, матбуотимизнинг сиздек садоқатли мададкорлари излаб-истаб ўқийдиган, сизнинг кундалик ҳаётингизда, турмушингизда, касб-корингизда мадад бўладиган мавзудаги чиқишлар янада кўпаяди. Матбуот — сизларнинг чинакам минбарингиз бўлишдан манфаатдордир! Негаки, матбуот халқнинг юзи, халқ маънавий оламининг кўзгусидир!

Бу эзгу мақсадлар рўёбга чиқмоғи учун сизларнинг ўз севган газетангиз ва журналингизни обуна орқали қўллаб-қувватлашингиз ғоятда аҳамият касб этади.

Обуна мавсуми қизғин паллага кирди. Зеро, сизнинг саховатингиз, Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорлигингиз матбуотни қўллаб-қувватлашда, обуна билан боғлиқ тадбирларни кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказишингизда ҳам намоён бўлишига ишончимиз комил!

Муҳтарам ҳокимлар!

Корхона ва ташкилотларнинг қадрли раҳбарлари!

Ҳурматли жамғармалар ва маҳаллалар раислари, ватанпарвар ишбилармонлар!

Биз сизларга мурожаат қиламиз!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан бел боғлаган бўлсангиз, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тезроқ жорий этишга кўмак берай десангиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро аҳиллик, миллий тотувлик ва осойишталик бундан буён ҳам барқарор бўлишига ҳисса қўшай десангиз, аҳоли барча қатламларини, хусусан, ёш авлодни шонли боболаримиз яратган меросга муносиб, соғлом, билимли, маданиятли, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига тилакдош бўлсангиз, **газета ва журналларга фуқароларни якка тартибда ва жамоа бўлиб обуна бўлишлари учун моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланг!**

Маърифат зиёси бўлмиш газета-журнал ҳар бир мактаб, олий ўқув юртлари, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари кутубхоналарига етиб боришини таъминлайлик!

Б. Бойқобилов — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири.
А. Жўрабоев — «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари бош муҳаррири.
А. Ниёзов — «Туркистон» газетаси бош муҳаррири.
Ш. Ниёзов — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири.
А. Ортиқов — Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи.
А. Пукемов — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири.
Ҳ. Саидов — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири.
Қ. Сейданов — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири.
Азим Суюн — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири.
О. Ҳожиева — «Саодат» журнали бош муҳаррири.

ОБУНАНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ

муҳим сиёсий иш, партия ташкилотларининг долзарб вазифасидир,

деб уқтирилди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1997 йилга обуна бўйича Комиссиясининг куни кеча бўлган мажлисида. Зеро, Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда демократияни қарор топтириш, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Шу боис, матбуотнинг ҳар бир хонадонга кириб бориши тўғрисидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари қатнашган мажлисни Комиссия раиси, МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон республика, Наманган, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Бухоро вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари: А. Асанов, Н. Қозоқов, Д. Воҳидов, Г. Субҳонова, Ҳ. Эрматов, Ж. Нуруллаевлар ХДП маҳаллий ташкилотларининг обунани уюштириш соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида ахборот бердилар. Комиссия бу ишлар қониқарсиз ташкил этилганлигини таъкидлаб, ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишга масъулиятсизлик билан ёндошган партия кенгашлари раҳбарларини кескин танқид қилди.

Партиямиз маҳаллий кенгашлари зиммасига обунани ташкил этишда вужудга келган вазиятни, унинг сабабларини чуқур таҳлил этиш, аҳволни ўнглаб олиш учун барча мавжуд имконият ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш, ХДП аъзолари ва партиясизлар орасида олиб бориладиган сиёсий, тарғибий ва ташкилий ишларни кучайтириш, обуна юзасидан белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган кун

БАЙРОҚ - ВАТАН РАМЗИ

Байроқ ҳамма ерда ва ўтмиш замонларда ҳам давлат рамзи бўлиб келган. Шунинг учун мамлакатимиз мустақиллиги эълон этилганидан эллик кун ўтар ўтмас, «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонунга биноан, миллий байроғимиз қабул қилинди.

Кўп мамлакатларда давлат байроғига хадди аълосида эҳтиром билан қаралгани учун ҳам у чинакам юрт тимсолига, миллий маънавий бойликка айланиб қолган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида фуқароликка ўтаётган муҳожирлар АҚШ давлат байроғи остида қасамёд қилиши керак. Японияда эса хонадонларнинг ярмидан кўпида давлат байроғи уйнинг тўрида эҳтиром билан сақланади.

Ўзбекистон байроғи жаҳоннинг энг мўътабар халқаро ташкилоти бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси биноси олдида ҳилпирай бошлаган тарихий кун — 1992 йилнинг 2 мартини эсланг.

Бугун эса миллий байроғимиз ҳилпираб турган мамлакатлар сони ой сайин ошиб боряпти. Ҳозир дунёдаги қанчадан-қанча йирик ва ривожланган давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ва консулхоналари, Ватанимизнинг хориждаги бошқа ваколатхоналари иморатлари устида байроғимиз Ўзбекистон кўркини кўз-кўз қилиб турибди.

Бундай дейишимизга ҳам асос бор. Байроғимиз рамзан айни шу она заминимиз руҳини акс эттиради. Бу ҳақда байроғимиз шарҳланган кўплаб мақолаларда айтилган. Шунигина таъкидлаш керакки, серқуёш Ўзбекистонимиз осмони аксарият байроғимизнинг тепа қисмидек кўм-кўк. Она заминимиз йилнинг кўпроқ пайтида байроғимиз пастки тарами янглиғ ям-яшил.

Ой ва юлдузлар эса - исломий рамзлар. Туркиядаги Турк стандартлари (рамзлари) институти тайёрлаб, 1993 йили чоп этган туркий давлатлар байроқлари мажмуидаги 16 байроқдан 5 тасида ой ва юлдуз акс этган. 1299 йилдан то 1922 йилгача ҳукм сурган Усмонли (турк) хоқонлигининг қип-қизил байроғида бир ой ва бир юлдуз шакли бор. 1922 йили ташкил топган Туркия Жумҳурияти ана шу байроқни ўзига мерос қилиб олди, аммо энди ингичка ой йўғонроқ, саккиз қиррали юлдуз эса беш қиррали юлдуз билан алмаштирилди, холос. Оқ Ҳунни хоқонлигининг оппоқ байроғида тепадан пастга қараб жойлашган учта беш қиррали юлдуз мавжуд эди. Ҳазар хоқонлигининг кўм-кўк байроғида эса беш қиррали бешта юлдуз ўзаро бурчак ҳосил қилиб жойлашган. 963-1183 йилларда мавжуд бўлган Ғазнавийлар салтанати байроғида ой акс эттирилган. 1236-1502 йилларда сиёсат юргизган Олтин Ўрда давлати байроғи ўртасида ҳам тепага қараган ой акси бор.

Замонавий 12 туркий байроқдан 7 тасида ою юлдуз сурати солинган. Туркия, Озарбойжон, Қибрис турклари, Шарқий Туркистон, Ироқ туркманлари байроқларида юлдуз биттадан, Туркманистон байроғида бешта, Ўзбекистонимиз байроғида эса 12 юлдуз акс этган.

Юлдузлар ўн икки бурж, яъни йилнинг ўн икки ойини билдиради. Бу эса ҳаётнинг давомийлиги, мустақиллигимизнинг абадийлигини эсга солгандек бўлади гўё.

Мамлакатимизда ўтаётган халқаро спорт мусобақалари бошланаётганда, жаҳоннинг турли бурчакларидаги халқаро мусобақаларда бизнинг спортчимиз ғолиб келганда осмон узра миллий байроғимиз кўтарилаётганда ҳар бир ўзбекистонлик кўнглида бир нозик - тил билан ифодалаб бўлмас туйғулар жўш урса, ажаб эмас.

Ёки байроқдан «тўн» кийган тайёраларимизнинг осмонга парвозини кўрганимизда-чи?! Бугун улар фалак қўйнида байроқ бўлиб учяпти. Жаҳон аэропортларида бугун бу «қуш»ни яхши таниб қолдилар.

Шундай маҳалларда: «Парвозинг бехатар, байроғинг йўлдошинг бўлсин, Ўзбекистон!» — дегинг келади.

Султонмурод ОЛИМ,
«Жаҳон» Ахборот агентлиги.

Тадбиркор қиёфасига бир чизги

«ЮЗИЯ»НИНГ ЮТУҒИ ЮЗ

Мутахассислиги иқтисодчи бўлган Аҳмадали ака Усмонов деҳқон(фермер) хўжалиги тузиб қўпчиликнинг дастурхонини тўкин этишга бел боғлади. Ёнига турмуш ўртоғи, ўғиллари — Ботиржон, Ашуралиларни олди. Қўшнилари қўшилишди. Деҳқон (фермер) хўжалиги фаолияти изчил режа асосида борди. Молхона, қўшимча бинолар тикланди. Йўллар тартибга келтирилди. Вақт ўтиши билан фермернинг иши аниқ изга тушди. Тўққиз гектар ердан оқилона фойдаланиш эътиборда топширилган ғўшт миқдори 10 тоннага яқинлашди. Қирқ бош новвос боқувда эканлиги ҳисобга олинса йил якунигача бу натижа ҳеч гап бўлмай қолади.

Фермер картошкачиликни ривожлантиришга эътибор билан қараяпти. Кўкламги картошканинг гектаридан уч юз центнердан хирмон кўтарилди. Икки гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан олинган дон 70 центнердан ошиб кетди. Бордонлар донга тўлди, тегирмонлар гуриллаб ишлаб кетди.

— Меҳнатимиз билан хурсанд. Ишларингиз бароридан келсин, деб кексалар дуода.

Ҳамиша эртанги кун ҳақида ўйлаш, фермер хўжалигини ривожлантириш, бу ерда етиштирилган ғўштдан аҳоли эҳтиёжибоп



турди. Ем-хашак етиштириш билан бир қаторда ярим гектардан зиёд ерга картошка экилди. Бу майдондан 15 тонна иккинчи нон ҳосили олинди. Вазирлар Маҳкамасининг саноат теракчилигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорига асосан йўл четларига уч минг туп терак ўтказилди. Терак қўчатлари қаламча усулида ўстирилгани учун ҳам чиқим бўлмади. Бу йил теракзор кенгайиб икки минг туп кўчат қўшилди.

Аҳмадали аканинг деҳқон (фермер) хўжалиги ғўшт етиштиришда ҳам пешқадам. Бу йил ҳисобига дастурхонимиз тўкинлашяпти, — дейди у. — Ғўшт билан бир қаторда қозонга тушадиган сабзавотларни етиштиряпмиз. Донимиз борлиги учун тегирмонимиз ҳам тўхтамаяпти.

Элда бўлса, кўпга нафи тегади, мақоли фермер фаолиятига ҳам тааллуқли. Аҳмадали ака бошчилигидаги деҳқон (фермер) хўжалиги аъзолари борини кўпчилик билан баҳам кўряптилар. Қутлуғ кунларда 126 нафар кишига ғўшт тарқатилди. Бир километрдан кўпроқ йўл тартибга келтирилиб, асфальтланди. Бундай ёрдамдан кўпчилик маҳсулотлар тайёрловчи кичик цех бунёд этиш... Фермернинг интилишига вилоят товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ҳамнафас. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик цех барпо этишга хориждан ускуналар келтириш учун ҳужжатлар расмийлаштириляпти.

Демак, «Юзия»нинг ютуғи юз бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Тадбиркор А. Усмонов. 2. Фермер хўжалигида.
Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.

Депутат минбари

АДОЛАТ — ЭНГ ИШОНЧЛИ ЎЗАК

Мусурмонқул Бойкелдиев Сурхондарёдаги «Шерободсувқурилиш» трести бошқарувчиси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда озиқ-овқат қўмитаси аъзоси.

— Мусурмонқул Шойқулович! Умуман туманда қурилиш (газ, сув, уй-жой қурилиши) муаммоларининг тахланиб борганию сизнинг қурувчи бўлганингиз муқобил сайловда ғолиб чиққанингизни таъминлаган, деган қарашлар бор.

— Йўғ-е. Олтинсой — тоғли туман. Тоғликларнинг сиёсий воқеаларга, ижтимоий ҳодисаларга қизиқиши (сергаклиги) назаримда, кўзга тезроқ ташланадиган кўринади. Олтинсойда мен илгари яшаган ё ишлаган эмасман. Сайловга қадар олтинсойликлар мени, мен уларни, тўғриси, танимасдик. Одамларнинг ҳузурига ваъдалар эмас, умид билан чиқдим.

Бунинг устига халқ мустақил давлатнинг биринчи парламенти «Олий Совет»дан тубдан фарқ қилишини, бу парламент қонунлар мажмуаси билан ишлашини олдиндан билганди.

Лекин барибир сайлов мен учун сийлов бўлмаган. Баъзиларнинг дангалига бировнинг юзига тик қарамайдиган одам кўринасиз, Олий Мажлис сессияларидаги ишингиз фақат «Маъқуллайман» деб қўл кўтариб (овоз бериб) туришдан иборат бўлиб қолмайдими, деган гапларидан ҳушёр тортганман.

— Демак, бу Қўмитадаги ва умуман сессиялардаги иштирокингиз давомида хаёлингизда айланиб турадиган гаплар бўлган.

— Қўмитага мен уруғчилик архивини ташкил этиш лозимлиги масаласини қўйдим. Архив деганда биз эски қоғоз (ҳужжат)лар омборини тушунамиз. Лекин масалан, «амири» ё «бурикалла» навли қовунларнинг олтмишинчи йилларда олинган уруғини ким топиб беради? Энди ўша уруғ йўқ. Чунки, «амири», «бурикалла»нинг ўзи йўқолиб кетди. Бошқа кўпгина зироатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳавонинг тозалиги қанчалик зарур бўлса, тупроқнинг соғломлиги ҳам биз учун шунча зарур. Вилоятимизда масалан 10 минг гектарга яқин экин майдони шўрланган. Шўрни қочиришга куч етмайди. Айни пайтда ерни бу ҳолатда ҳам ташлаб қўйиб бўлмайди. Тўғрисини айтсам, тупроққа, ерга агроному раисдан тортиб, сувчининг ҳам ғамхўрлиги етарлича сезилмаётгани кўринади. Тупроқни обод қиладиган ҳам, уни барбод қиладиган ҳам сув, сувдан фойдаланиш бўйича мавжуд тартибларни янада такомиллаштириш пайти келди, деб ўйлайман.

Парламентимиз ниҳоят тиғиз ишлаяпти. Коммунистик қонунлар ўрнига янги, жаҳон андозаларига мос қонунлар қабул қилинди. Қабул қилинмоқда. Лекин, бу кабинетларда ўтириб ишлайдиган депутатлар ишласа, шунинг ўзи кифоя, ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган депутатлар ўзининг йиллик ишлаб чиқариш режасини бошқаришни ўйласин деган хулосани бермайди. Бизга ижтимоий ҳаётдаги масалаларга — қонун қабул қилишдан тортиб қабулхонага кирган эҳтиёжманд одамнинг кўнглини топишгача бўлган юмушларга даҳллик ваколати берилган.

Энди бир нарса. Янги қонунлар кўп дедик. Улар одамларники, халқники, халқнинг хизматига, манфаатига, ҳақ-ҳуқуқларига хизмат қиладиган куч. Лекин қонунлар ташвиқоти, қонунларни одамларнинг тафаккурига етказишда камчиликларимиз бор. Биз Президентимиз раҳбарлигида адолатли жамият, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Ўтмишимиз салоҳияти баланд. Комил маърифатимиз бор. Иқтисодиётимиз ислоҳотлар йўлига тушиб бормоқда. Изланишлар, ўрганишлар давом этмоқда. Ва бу давомат тағин ҳам изчиллик касб этишини истардим. Ахир, масалан, адолатнинг тезроқ ва мукаммалроқ қарор топмоғи учун одамларнинг қонунлардан яхши хабардорлиги прокурор ё терговчининг касб маҳоратидан ҳам кўра самараси баланд бўлиши табиий ҳолдир.

Депутат қонун ташвиқоти билан жиддийроқ шуғуллансин, деб масалани жўн тарзда қўймоқчи эмасман. Ташвиқот-тарғибот айрим одамларнинг, айрим идораларнингтина иши эмас. Эҳтимол, шу иш бўйича қўшимча тадбир, саъй-ҳаракат лозим бўлар. Қонунлар саводи — лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик, суиистеъмолчиликнинг, қўйингки, ҳар қандай адолатсизликнинг кушандасидир.

Суҳбатдош:
Олимжон УСАНОВ.

«ПАРТИЯ ОЛДИДА БУРЧЛИМАН»

— Авваламбор, қадр-қимматимни жойига қўйиб, мени шаҳар кенгаши депутатлигига сайлашда жонкуярлик кўрсатгани учун Халқ демократик партияси олдида доимо бурчлиман, — деди Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Ю. Азангулов «Депутатлар клуби»нинг «Самарқанднон» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида. — Партиямизнинг нуфузини янада ошириш учун ҳаракат қиламан.

Клуб аъзолари депутатнинг қисқача ахборотини эшитишди. Партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятини кучайтириш юзасидан мулоҳазалар билдирилди, саволжавоблар бўлди. Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Темиров Ўзбекистон Олий Мажлиси кейинги сессияси ҳужжатлари асосида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Фармон ТОШЕВ.



ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШ. Оғайо штати бошқарувчиси мамлакатнинг 3 та шимолий-шарқий округларда тартиб ўрнатиш учун Миллий гвардияни ёрдамга чақирди ҳамда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Штатнинг бу округларида юз берган табиий офат асоратларини тузатишга киришилди.

БОШ ВАЗИР ҚАЙТА САЙЛАНДИ

ТАИЛАНД. Якшанба куни мамлакатда янги муддатга Бош вазирлик лавозимига сайлов бўлиб ўтди. Демократик кучлар вакили Шуан Ликпаи кўпчилик овоз билан Бош вазирликка яна қайта сайланди.

СОЛИҚЛАР МИҚДОРИ КАМАЙТИРИЛДИ

ВЕНГРИЯ. Венгриядаги ҳафталик газетада ёзилишича, парламент 1997 йилги ўртача йиллик даромад солиғини камайтирди.

Йиллик даромад солиғининг энг юқори пасайиш кўрсаткичи 48 фоиздан 42 фоизни ташкил этади. Ойлик иш ҳақидан чегириб қолинадиган маблағ миқдори эса 18 фоиздан 20 фоизгача ошади.

Венгрия ҳуқуқшуносларининг 1990 йил бошидан буён ҳар йили солиқлар ҳақидаги қонунларни ўзгартириб турибди. Чунки фирма ва шахсларга даромад солиқлари иқтисодий режалаштириш ва солиқ декларациялари бирмунча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўтган йили ҳам даромад солиқларининг турлари хусусида омма орасида турли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлган эди.

ЖИНОЯТЛАР ТЕКШИРИЛМОҚДА

БЕРЛИН. Германия Федератив Республикаси Бош прокурори Кристоф Шефген собиқ ГДР ва ГФР ўртасидаги чегарада хизмат қилган ҳарбийлар ҳамда бу ишга алоқадор бошқа шахсларни таъқиб қилиш давом этажагини маълум қилди.

Маълумки, собиқ икки Германия ўртасидаги мазкур чегарада кўплаб кишилар ҳалок бўлган, лекин бу жиноятларни содир этганлар жазосиз қолганди.

К. Шефгеннинг таъкидлашича, ҳозир Берлин девори яқинида содир этилган бундай жиноятларнинг 400 га яқини текширилмоқда. Бу ишда шубҳа остига олинганлар орасида собиқ ГДРнинг юзлаб чегарачи аскарларидан ташқари, «уларга буйруқ берган» қарийб 200 нафар давлат арбоби ва юқори лавозимли ҳарбийлар ҳам бор.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ 21009UMFS ЧИҚАРИЛИШИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 20 ноябрда қисқа муддатли давлат облигацияларининг тўққизинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади...

а) Чиқарилиш рақами: 21009UMFS;
б) Чиқарилиш ҳажми: 2 000 000 000 (икки миллиард) сўм;
в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;
г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1997 йил 19 февраль;
д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.
е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1996 йил 20 ноябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уйда ўтказилади.

Кимошди савдоси ўтказилиши муносабати билан қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари вақти ҳам ўзгаради. Савдолар 21007UMFS рақамли еттинчи чиқарилиш бўйича 19 ноябрь сешанба куни, 21008UMFS рақамли саккизинчи чиқарилиш бўйича 21 ноябрь пайшанба куни ўтказилади. Савдолар соат 10.30 да бошланади. Манзил: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уй, Республика валюта биржаси.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ, шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Тартиб рақами	Дилер	Манзил, телефон
1	Ўзсаноатқурилиш банки	Тошкент ш. А. Тўқай кўч. 3 тел. 33-24-86, 36-14-77
2	Миллий банк	Тошкент ш. Охунбобоев кўч. 23 тел. 33-17-12, 33-74-15
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш. Муқимий кўч. 43 тел. 78-10-94, 77-91-66
4	Халқ банки	Тошкент ш. Қатортол кўч. 46 тел. 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5	Ғаллабанк	Тошкент ш. Лоҳутий кўч. 36 тел. 36-16-17
6	«Турон» АТББ	Тошкент ш. Навоий кўч. 44 тел. 42-23-85
7	Ўзприватбанк	Тошкент ш. Амир Темур кўч. 24 тел 34-64-88
8	«Ипак Йўли» АИТБ	Тошкент ш. Фарҳод кўч. 12а тел. 76-89-73
9	Тошуйжойжамғармабанк	Тошкент ш. Пушкин кўчаси 17 тел. 36-33-31, 36-32-31, 33-29-57, 33-11-22
10	Алоқабанк	Тошкент ш. Толстой кўч. 1 тел. 36-10-21
11	Трастбанк	Тошкент ш. Навоий кўч. 7 тел. 41-01-10
12	Андижонбанк	Андижон ш. Бобур шоҳ кўч, 85 тел. 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон)
13	Асакабанк	Тошкент ш. Нукус кўч. 67 тел. 54-04-50, 54-18-74.

21006UMFS ЧИҚАРИЛИШДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ ҚОПЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 20 ноябрда олтинчи чиқарилишдаги қисқа муддатли давлат облигацияларининг қопланишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21006UMFS;
б) Чиқарилиш ҳажми: 1 500 000 000 (бир миллиард беш юз миллион) сўм;
в) Облигациянинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

Облигациялар тўлови 1996 йил 20 ноябрь куни соат 9.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уй.

21006UMFS чиқарилишдаги облигацияларни қоплашдан олинган маблағлардан 21009UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

Тўлов билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.

«ЭКОСАН» НАВОИЙГА БОРАДИ

Хазонрезги пайтининг ўзига яраша ташвишлари бор. Тўкилаётган барглари вақтида йиғиштириб, нафақат ҳовли саҳни, кўча-кўй, балки теварак-атроф покизалигига эътибор бериш билан шаҳримиз озодалигига озгина бўлсада, улуш қўшган бўламиз. Зеро, мустақил мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган кузги кўкаламзорлаштириш ва тозалаш икки ойлиги худди шу мақсадда олиб бориляпти. Бу ва «ЭКОСАН» саломатлик поездини экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудудларда яшаётган аҳолига тиббий ва беминнат ёрдам кўрсатиш учун республика ташкилотлари томонидан зарур доридармон, анжомлар билан таъминлаш, яна шунга ўхшаш бошқа масалалар «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида бўлиб ўтган фаоллар йиғинида муҳокама этилди. Жамғарма президенти Юсуф Шодиметов бу борада амалга оширилаётган ва қилинажак вазифалар хусусида маълумот берди. Яқин кунлар ичида «ЭКОСАН» саломатлик поездининг Навоий вилоятига бориши учун тайёргарлик ишларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги уқтирилди.

Умида ФАЙЗИЕВА.

Бюрократлар ўқимасин

Ҳисрав Шаҳоний ШАРҚ

ЖОСУС

Мирза Маҳмуд полиция участкасидан чиқиб, тўғри ишхонасига йўл олди. Бир пайт бақ-қол Машҳади Ражаб чақириб қолди:

— Ҳов, Мирза Маҳмуд оға!

— Нима дейсиз?

— Деярлик ҳеч нарса. Фақат бир нарсани билмоқчи эдим. Бугун бу ерга одми кийинган бир киши полциячи кузатувида келиб, қаерда ишлайсиз, қанча маош оласиз, қандай яшайсиз, қарзларингиз йўқми, боқимингизда қанча киши бор ва шунга ўхшаш ҳар хил маълумотлар олди.

— Сиз нима дедингиз?

— Биз уларни алдашга кўрқдик, ниманики билсак, тўғрисини айтдик. Мен ҳатто уларга ўзимнинг кирим-чиқим дафтаримни ҳам кўрсатдим, қарзларни кўчириб ёзиб олишди...

— Якка ўзингиз гаплашдингизми?

— Йўқ, дўконда бир қанча бошқа кишилар ҳам бор эди.

— Улар мени танишадими?

— Ҳа, ҳаммаси ўзимизнинг маҳалладан. Иброҳим кўрпачининг хотини ҳатто сизни ҳимоя қилиб кетди.

Мирза Маҳмуд пешонасида пайдо бўлган йирик-йирик тер томчиларини кафтлари билан сидириб ташларкан, сўради:

— Машҳади Ражаб, улар фақат сиздангина сўрашдими, ёки?..

— Йў-ўқ... Маҳалладаги деярли ҳамма дўконларни сўроқ қилишди. Нима бўлганди ўзи? Худо кўрсатмасин, тағин бирор кор-ҳол рўй бермасмикин?..

Мирза Маҳмуд ўз хаёллари билан банд бўлиб, Машҳади Ражабнинг бу саволини эшитмади.

Кечагина ҳамма учун ҳурматли бўлган одам бугун ўз уйига мутлақо топталган, синган ҳолда кириб келди. Кўзига ҳамма нарса ўзгаргандай, даҳшатли бўлиб туюлди. Томоғидан овқат ўтмайди. Ухлай деса, уйқуси қочган. Шом намозини ўқиш учун масжидга борди. Унинг назарида гўё масжиднинг қоровулидан тортиб, домла имомгача ҳаммаси унга бошқача кўз билан қараётгандек туюлди. Кўчада кетаркан, кўзи тушганларнинг бариси уни бармоқ билан кўрсатаётгандек бўларди...

У икки кундан сўнг яна полицияга борди. Кириши билан таниш, навбатчи зобит ҳурмат маъносида ўрнидан турди. Унинг кўзларида ҳамдардлик ва ачиниш бор эди. Мирза Маҳмуднинг қўлига маълумотномани тутқазаркан, прокурорга имзо чектириши лозимлигини уқтирди. Қоғозни олиб, миннатдорчилик изҳор қилиб прокуратурага жўнади. У ерда одамлар янада гавжумроқ бўлиб, прокурорни топишнинг ўзи ҳам унчалик осон иш эмас экан. Хуллас, қоғозни тегишли жойда имзо чектиришга тақдим этгунича, бир неча кун елиб-югуришга, кам деганда йигирматача бўлимнинг ходимларига ўзининг қашшоқлиги ҳақида маълумот беришига тўғри келди. Охири прокурор қоғозга кўз югуртириб, Мирза Маҳмудга бошдан оёқ қараб чиқаркан, бироз ғижиниб деди:

— Биз баъзи бир маълумотларни суриштиришимиз лозим бўлади. Бир-икки кундан кейин хабар олинг.

Мирза Маҳмуд ўзининг ташқи кўриниши прокурорни ҳам шубҳага солганлигини дарҳол тушунди. Ҳеч нарса демасдан, ниҳоятда толиққан бир қиёфада ташқарига чиқди...

Ниҳоят икки кундан сўнг Мирза Маҳмуд прокуратурадан ўзининг камбағаллиги ҳақидаги қоғозни олиб, тасдиқлатиш учун Маориф вазирлигининг олий кенгашига элтиб берди.

— Бундай ҳужжатни олий кенгашнинг махсус комиссияси қараб чиқиши лозим. Тасдиқлашсагина болаларингизни давлат мактабларида бепул ўқитиш ҳуқуқини оласиз, — деб тушунтирди идора бошлиғи.

Бир неча кун ўтгач, Мирза Маҳмудга келгуси ҳафта комиссия йиғилиши бўлишини, унда бу масалани қараб чиқиш мобайнида пайдо бўладиган саволларга жавоб бериш учун шахсан унинг ўзи иштирок этиши лозимлигини хабар қилишди.

Комиссия йиғилиши ҳам бўлди.

— Бу сизнинг маълумотномангизми? — комиссия раисининг берган биринчи саволи шундай бошланди ва у тешиб юборгудек ўткир нигоҳини Мирза Маҳмудга қадади. Бу нигоҳ нажот кутиб турган мижознинг бутун вужудини қамраб олиб уни куйдириб юборгандек бўлди.

— Ҳа, шундай тақсир! — деди у эгилган бошини ердан узмасдан.

— Афсуски, тасдиқлай олмаймиз. Чунки сизнинг шароитингиз имтиёз бериладиган моддага мос келмайди, — деди у чўрт кесиб.

— Нега энди?

— Биринчидан, сиз давлат хизматчисисиз, иккинчидан, ўзингизнинг бундай кийинишингизга қараганда ҳечам муҳтож одамга ўхшамайсиз?..

Мирза Маҳмуд шунчалик оворагарчиликлару, сарсонгарчиликлар, шарманда-ю шармисорликлардан кейин бутун уринишларининг бир зумда пучга чиққанлигини кўриб, ўзини тутиб тура олмади. Кўзларидан беихтиёр ёш тирқираб отилди. Шунда ҳам тишини-тишларига қўйиб ўзини тийишга уринди. Аммо унинг қаттиқ қимтилган лаблари орасидан бир нидо отилиб чиқди:

— Жаноби раис, мен тиланчи эмасман. Аммо сиз буни тушунасизми ўзи? Менда ўша икки минг икки юз туман йўқ! Бу ҳужжатни олиш учун сиз менинг пок номимни бадном қилдингиз. Ўзимни эса оила аъзоларим олдида шарманда қилдингиз. Маҳалламиздаги жандафурушдан тортиб, бақ-қолгача, мени биладиган ҳар бир кимса қаршисида номусимни ерга қордингиз. Тўғри, мени ташқи кўринишимга қараб қашшоқ деб ўйламаслик мумкин. Бу маънавий бадавлатлигимдан. Ҳа, чиндан ҳам мен бадавлатман. Аммо бундай бойлиқ ҳаммага ҳам насиб қилавермайди! Мендаги бойлик-бу менинг пок виждоним, ор-номусим, ҳалоллигим. Менинг бойлигим-ўзимдаги нимам бору, нимам йўқлигини на қўшниларимга, на маҳалладаги савдогарларга сездирмай юра олганлигимда! Сиз менинг бу бойлигимни ҳам тортиб олдингиз. Сиз, қаршингизда турган одамнинг Машҳади Ражабдан фалон пул, қассоб Аббос оғадан пистон пул қарзи борлигини ҳаммага эшиттириб жар солдингиз! Ҳаттоки кўрпафуруш Иброҳимнинг хотини ҳам менинг қашшоқлигимни тасдиқловчи ҳужжатга бармоқ босиб берибди. Қўйинглар, менга бунақанги қоғоз керак эмас. Майли менинг болаларим мактабга бормай, билимсиз қолсин!

Ҳамма ҳайрон. Энди уни ҳеч ким тўхтата олмасди. У тинмай гапирарди:

— Қани айтинг, бугун атрофимизда юриб миллионларни ўмараётганлар саводлими? Улар мактабларга қатнашганми? Университетларни битирганми? Йўқ, жаноби раис, менга ҳеч нарса керак эмас! Бу қоғозни ўз фарзандларини Европага ва Америкага ўқишга юбораётганларга беринг...

Мирза Маҳмуднинг бундай аччиқ ҳақиқатни ифодаловчи ҳайқириғидан саросимага тушган комиссия аъзолари сув қуйгандек сукунат ичида эшикнинг шарақлаб ёпилганини эшитишди. У залдан отилиб чиққанича яна ишхонасига қараб чопиб кетди.

Тушки танаффусда уйи олдида новвой Ҳусайн унга рўпара келди.

— Кечирасиз, Маҳмуд оға, бугун яна бир неча киши келиб, сизнинг кимлигингизни, нима ҳисобига яшаётганлигингизни суриштириб кетишди. Нима бўлган ўзи?

Мирза Маҳмуд бу гапдан сўнг шундоқ ҳам сабр косаси лиммо-лим бўлиб тургани учун бирдан портлади. Қўлларини юқори кўтариб бор овози билан унга ўшқирди:

— Менми? Биласанми, Ҳусайн, нима қилиб қўйганман? Мен ўз Ватанимни сотдим! Душманлар учун жосуслик қилдим! Ўз номус ва виждонимни хорижликларга пулладим! Биласанми, оғайни мен кимман? Мен-жосусман, разилман.. Бу ерга суриштириб келаётганлар мен ҳақимда маълумот йиғишмоқда. Жосуслигимни фош қилувчи далиллар тўплашмоқда. Буни ҳаммага бориб айт! Мирза Маҳмуд жосус экан де!

Шундан сўнг бу гаплардан ҳайратда лол қотган новвой Ҳусайнга қайрилиб ҳам қарамай, югуриб уйига кириб кетди.

***

... Эртаси куни маҳаллада мудҳиш хабар тарқалди. «Мирза Маҳмуд ўз жонига қасд қилибди!» Марҳум билан видолашиш учун келганлар орасидаги баъзи текин томошабинлар ўзларича ғийбат қилишди: «Ҳа, энди бечора тутиб олишади деб қўрққан-да. Кечагина бу ҳақда унинг ўзи новвой Ҳусайнга айтиб берган экан. Сиртдан қараганда у қанчалик сипо киши бўлиб кўринардия?! Шу қадар обрўли ташқи қиёфа остида нақадар жирканч қалб яширинганлиги кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз. Шундай бир инсон жосус бўлиб чиқса-я? Илоҳим, Оллоҳ таоло ҳеч кимнинг, ҳатто кофирнинг ҳам бошига бундай савдони солмасин? Мана, зиқналик ва такаббурликнинг оқибати. Камтарроқ бўлса ҳам, соф яшаш керак-да ахир. Ҳай, ҳай орамизда кўзи терисига бурканган қандай бўрилар бор экан-а?

***

Орадан бир ҳафта ўтди. Мирза Маҳмуднинг бола-чақаси ҳам ҳақорат ва аччиқ дашномларга ортиқ чидай олмасдан кутилмаганда бу маҳалладан номаълум томонга кўчиб кетди...

Форс тилидан Бахтиёр Тўраев таржима қилган.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

Мулоҳаза

БИР КИЛО АСАЛ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келармиш дейдилар. Самарқанд нони, Хоразм қовуни, Наманган олмалари, Қува анорлари, Сурхондарё хурмоси мағрибдан машриққача маълум. Умуман, серқуёш Ўзбекистон тупроғининг нақадар мўъжизакорлигини хорижлик сайёҳлар ва қалам аҳллари ҳам кўп бор эътироф этишган. Заминимизнинг сахийлиги, жаннатмаконлиги фақат ўзимиз учун оддий ҳол бўлиб қолган бўлса ажабмас. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтишса керак.

Нима учун биз шундай нозу неъматлар етиштирамизу уларни қайта ишлашни яхши йўлга қўймаганмиз. Масалан, мева-чевадан тайёрланадиган оддий печенье, шоколад ёки ширинликларни чет эллардан сотиб оляпмиз. Ранг-баранг ва ялтироқ қоғозларга ўралган, кунига янги ва янгилари пайдо бўлаётган бу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг бугунги кунда каттаю-кичикни «асир» этаётгани сир эмас. Қандини урсин ўша азаматлар. Ушбу маҳсулотлар олди-сотдиси билан ҳам ўзларининг, ҳам юртимиз ғазнасини бойитяпти. Бозор шунақа бўлади-да.

Беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Қизиқ, нималар тўғрисида бош қотираётган экан бизнинг «учар тижоратчилар» ёки бутун бошли кондитер фабрикаларимиз. Биргина Тошкент миқёсида таҳлил қилиб кўринг-чи, катта бозорлару дўконларни ҳисобга олманг ҳам дейлик. Атрофни фақат чет эл ширинликлари ўраб олган эмасми?

Эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчимиз. Устига асал ва шоколад креми суртилган печенье ёки вафлининг нархи 15 сўм экан. Ўша бир дона ширинликнинг устига суртилган асал нари борса 2-3 грамм чиқади. Ширинликка сарф бўлган асал нархини 5 сўмга баҳоласангиз унда бир кило асалнинг нархи қанча бўларди.

Кишмишлару қовунларимиздан банандан тайёрланган конфет ёки сақичлардан афзал озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарсак бўлмасмикан?

Беихтиёр Фармонбибининг хўрозқандни ҳам чет элники деса ётиб олиб суришади деган ибораси ёдимга тушади. Афсуски шунақа бўляпти-да.

Харидор бўлса тайёрини, ихчамини, афзалини маъқул кўради. Бироқ, бир кило конфетни 100 сўмга сотгунча, уларни доналаб ҳам 5-10 сўмдан камида 5-6 баробар қимматроқ ҳам сотса бўлар эканку.

Яқинда чекка Сирғали тумани 6-мавзесининг одам гавжум бўлмаган тор кўчасида кичкина столчани қандолат маҳсулотларига тўлдириб савдо қилаётган ёш боладан бир кунда қанча савдо қилаётганини сўрадим. Бола кунига 1,5 минг сўм савдо қилаётганини айтди. Бунақа «точка»лар Тошкент шаҳри бўйича неча мингта деб ўйлайсиз? Ёки бир кунда Тошкентнинг ўзида неча тонна шоколад сотиляпти? Йўқ-йўқ. Биз бировнинг ҳамёнини титкиламоқчи эмасмиз. Ҳаммасининг илоё бозорига, савдосига барака берсин. Лекин ўйлантираётган нарса шуки, агар шунча маҳсулот ўзбек деҳқони етиштирган неъматлардан шу ернинг ўзида тайёрланса кимга зарару кимга фойда эди? Бир мутафаккир Африка қитъасидаги ресурсларга бой мамлакатларнинг бирини олтин тўла қоп устида ўтирган қашшоққа қиёслаган экан. Мана шундай гап бизга нисбатан айтилиб қолишининг олдини олсак айни муддао бўлар эди. Ёки биз ялтироқ қоғоз ишлаб чиқаролмаймизми? Ахир машиналар ишлаб чиқараяпмиз-ку!

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УШАЛГАН ОРЗУ

Эҳтиром

Тошкент Давлат педагогика институтида меҳнат қилаётган тарих фанлари номзоди, доцент Абдуллажон Раҳимов аслида тажрибали журналистлардан. У киши газетада ишлаш даврида «Мен мусаҳҳиҳман» деб қараб турмади. Бўлимлар билан ҳамкорликда ишлаб, ижодий сафарга чиқиб, мақолалар ёзди. Академик шоир Ғафур Ғулом ҳақли равишда «Менинг дорилфунуним» деб фахрланиб ёзган «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетасида ижод қилиб қалами чархланди. Абдулла Раҳимов айниқса, қишлоқ хўжалиги мавзуида эътиборга лойиқ мақолалар ёзди.

Абдуллажон ака бу билан кифояланиб қолгани йўқ. У ҳар доим ижодий изланди, янги-янги мавзулар устида бош қотирди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги тарихи, пахтачиликни ривожлантириш борасида муттасил илмини ошира борди. Ниҳоят унинг эзгу орзуси ушалди. Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

«Ижодингизни 50-йиллардан бошлагансиз. Ўша кунларни ҳозирги давр билан қандай чоғиштира оласиз», деб сураганимизда у киши. «Э, укаларим, у давр қаламкашларига, айниқса журналистларга оғир бўлган. Нега дейсизми, биринчидан истаган нарсамизни ёзолмасдик. Иккинчидан, газета собиқ совет раҳбарларининг узундан-узоқ маърузалари билан лиқ тўла бўларди. У кунлар тунларга уланиб кетарди. Уйга ҳам бормасдан ишлаган кунларимиз кўп бўлган. Шунинг учун у даврни эсламасдан, ҳозирги дориломон кунларимизнинг қадрига етиб ишлаш керак. Бинобарин ҳозирги журналистларга ҳавасим келади. Тулиб-тошиб, элим деб, юртим деб завқшавқ билан ишласа арзийди. Шу боис ёш дўстларимга янада омад ёр бўлишини Оллоҳ-таолодан сурайман», дедилар. Ҳа, Абдуллажон акани устоз дедик. Чунончи, Уткир Ҳошимов, Марфуа Абдуқодирова, Умида Файзиева, Абдунаби Маннопов, Ҳабиб Саъдулла, Асад Фозилов, Файзулла Исаев, Нурулла Алимов сингари шогирдлари устоз билан чин диллан фахрланишади. Абдуллажон ака 75 ёшни қаршиладилар. Кўз тегмасин. Ҳорманг, энди устоз!

Юнус ЗИЁДОВ,
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

Суратда: Абдуллажон Раҳимов (биринчи қатор чапдан биринчи) ҳамкасблари даврасида.

600 МИНГ ДОЛЛАРЛИК «ХАТО»

Аломат гаплар

МАЙАМИ. Уч нафар фарзанднинг онаси 49 яшарлик Вернель Лоудер 600.000 долларлик бўлди. Чунки махсус лабораторияга текшириш учун қон топширганда, СПИД чиқди. Икки йил давомида муштипар она СПИДдек бедаво дарддан «ўлимини» кутди. Одам учун ўз ўлимини сезиб, ўлим билан «ёнма-ён» яшашдан ортиқ фожиа бўлмаса керак.

Шу йиллар ичида Лоудер ўз туққан болалари билан ўпишмас, улардан «қочарди». Ҳатто у ўз фарзандларига дард «юқтирмаслик» учун жонига қасд қилиш режасини ҳам ўйлаб қўйди. Руҳан синиққан шундай кунлардан бирида яна қайта қон топширди. Лаборатория жавобини уқиган она ҳушини йўқотаёзди. СПИДдан асорат ҳам йўқ! Аслида Лоудер ҳеч қачон бу дардга йўлиқмаган, бу тиббиётчиларнинг хатоси бўлиб чиқди.

Инсонга маънавий зарар етказгани учун, суд лаборатория ва врачдан Лоудер хонимга 600 минг доллар жарима ундириб берди.

ҚЎПОРУВЧИЛАРНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ КУТМОҚДА

• **АНҚАРА.** Истанбул шаҳри хавфсизлик суди Туркия ҳукуматига мурожаат қилиб, шу йилнинг январь ойида «Аврасия» теплоходини қўлга олган қўпорувчиларни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этишни талаб қилди. Агар суднинг талаби қондирилса, қўпорувчилар бошлиғи Муҳаммад Тўқжон 23 йилдан 45 йилгача, унинг шериклари эса 19 йилдан 37 йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Маълумки, мазкур гуруҳ 16 январь куни «Аврасия»ни эгаллагач, Чеченистонга мустақиллик беришни талаб қилган, лекин орадан уч кун ўтиб таслим бўлган эди. Эндиликда улар: «қўпорувчилар гуруҳини ташкил этиб, денгиз транспорти воситасини эгаллаб олишда ҳамда ноқонуний йўллар билан портловчи моддалар тайёрлаш ва уларни олиб юришда» айбланмоқда.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

• **КОБУЛ.** Афғонистоннинг шимоли-ғарбий вилоятларида «Толибон» ҳаракати қўшинлари билан генерал Абдурашид Дўстум ва Ҳирот вилояти ҳокими Исмоил Хоннинг бирлашган қуролли кучлари ўртасидаги шиддатли жанглар давом этмоқда.

Маҳаллий кузатувчилар вазият «тобора беқарорлик тусига кириб бораётганини» айтмоқда. Уларнинг фикрича, агар айни пайтда энг кескин жанговор ҳаракатлар содир бўлаётган Бадгис шаҳри толиблар қўлига ўтадиган бўлса, улар қўшни Фарёб вилоятига ўтиб, бевосита А. Дўстум ҳукмронлик қилаётган ҳудудларга ҳужум уюштириши мумкин. Толиблар Бадгисни қўлдан чиқарадиган бўлса, унда генерал А. Дўстум учун мамлакат шимолидаги энг йирик шаҳар — Ҳиротни эгаллаш имкони туғилади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 18

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 18 ноябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
18.15 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Истиқлол одимлари».
19.05 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мозийдан садо».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Қушиқларда юрак сўзларим». Гулбаҳор Сулаймонова.
21.40 «Зарчашма».
22.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Замин саховати».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак и Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
8.35 «Бир ўлка-ки...»
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.45 «Болалик — бегуборлик». Кинодастур.
11.25 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қадимий тоғлар афсонаси». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Ангрен шаҳри «Шанс» шоу-данси намойиш этади...
*
Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Самарқанд нақшлари. Шоҳизинда». Телефильм.
19.20 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.30 «Патриарх». Тошкентдаги Урта Осиё епархиясининг 125 йиллигига.
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 Эълонлар.
20.25 Кечки сеанс. «Кавказ асираси». Бадиий фильм.
21.55 «Спорт-тайм».
22.25 «Шлягер».
22.40 «Авторейд».
22.50 Эълонлар.
22.55 «5+1».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Оқ руҳ».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 Футбол шарҳи.
12.15 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
12.45 «Халқ ижодиёти».
13.25 Санъат усталарининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.25 «Менга сўз беринг!».
19.05 «Бу гулшан аро...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ботма,қуёш!». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Замон».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.15 «Ўргимчак тури». Телесериал.
22.55 «Ўзбекистон — менинг Ватаним!». Телефильм.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40 — 00.20 «Кинонигоҳ».

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Йул бўлсин». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Улоқ», «Домбай». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.30 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.45 «ТВ IV да «Немис тулқини».
22.20 «Кулги асло қаритмас».
22.50 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
23.20 Эълонлар.
23.25 «Жиллет-спорт».
23.55 «Коллаж».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қалбим ардоғи». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
8.55 «Умид учқунлари». Тележурнал.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мусиқий саёҳат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
11.30 Алифбо сабоқлари.
*
12.30 «Сеҳрли оҳанглар». Болалар учун қизиқарли дастур.
12.25 «Руҳи равоним — эътиқод». «Паҳлавон Маҳмуд».
12.45 «Ҳуда-беҳуда гаплар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болажон».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...».
18.30 «Сўз сизга...». Ёшлар учун кўрсатув.
18.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Автоолам».
22.00 «15 дақиқа плюс». Спорт кўрсатуви.
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 «Дриблинг».
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Спорт қитъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Урмонлар оша, тоғлар оша».
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Шоҳсупа сари йўл».
*
Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Дунё ва болалар».
19.30 «Безнен мирас».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
20.15 «ТВ IV канали эксклюзиви».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.20 «Тошкент оқшомида».
21.50 «Мезон».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Тошкентнома».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Гулдаста».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 21

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони урганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 «Олтин балиқча». Хоразм Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.40 «Умр дафтаридан бир саҳифа». Мусиқий кўрсатув.
13.15 «Мозаика». Мультфильм.
13.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижинг-тоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Адашганлар».
19.05 «Омонлик тилаймиз!».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
21.55 «Нури иймоним...». Носир Алимаҳсумов куйлайди.
22.10 Диққат, премьера: Нурилла ҳожи Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри». «Тож маҳал». Драма. 1—2-қисмлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 Оҳанглар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.20 «Мисс Малибу». Қизиқарли дастур.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хавфли қўниш». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35

(Давоми 4-бетда).

Ноёб сурат тарихи

КИМ ТАНИДИ?

Бундан қарийб қирқ йил муқаддам олинган ушбу ноёб суратнинг ўзига хос тарихи бор...

1957 йил ёзида собиқ Иттифоқ маркази бўлмиш Москва шаҳрида VI жаҳон ёшлари фестивали ўтказилади. Улкан анжуманда дунёнинг 130 мамлакатидан келган 34 мингдан зиёд ёшлар (санъаткорлар, илм-фан, адабиёт ва маданият вакиллари) бир неча кун мобайнида ўзаро танишадилар, ўзларининг истеъдодлари, санъатларини намойиш қиладилар. Мана шу катта аҳамиятга молик анжуманда жонажон Ўзбекистондан ҳам беш юздан зиёд ёшлар иштирок қилди ва халқимизнинг нодир истеъдоди, ўлмас меросидан намуналар ижро қилиб, дунё халқларини ҳайратга солди.

Бу ёшлар кимлар эди? Булар — бағри кенг халқимизнинг истеъдодли фарзандлари — бири деҳқон, бири механизатор, бирлари санъат ҳаваскори, яна бирлари ҳали мактаб ўқувчилари эди. Уларни ягона улуғ мақсад — дунё мамлакатларига ўзбек деган маданиятли, илмли, санъатпарвар халқ борлигини яна бир бор англатиб қўйиш истаги бирлаштириб турарди. Анжуманда Ўзбекистон вакиллари катта муваффақият билан иштирок қилди. Кўплаб ватандошларимиз фестивалнинг олтин ва кумуш медалларига мушарраф бўлди.

Сиз суратда ўша анжуманда қатнашган ўзбекистонлик ёшларнинг бир гуруҳини кўриб турибсиз. Албатта, уларнинг кейинги тақдири турлича кечди, баъзилари санъат йўлидан собитқадам кетдилар, баъзилари илм-фан уммонига шўнғиди, бошқа бировлари далага қайтди. Хуллас, улар маданият, санъат, халқ хўжалигининг таниқли намоёндаларига, ўз ишининг уста мутахассисларига айландилар. Айни вақтга келиб, уларнинг баъзилари раҳматли инсонлардир...

САВОЛ: Ушбу суратдагиларнинг қайси бирини танидингиз, булар кимлар?

Саволимизга батафсил жавоб берган, ушбу воқеалар тарихини батафсил айтиб бера оладиган газетхонларимиз билан матбуот саҳифаларида махсус суҳбатлар уюштириш ниятидамиз.

Обуначи бурчаги

ЗАРОФАТЛИ КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Халқимизда суҳбати жонон, дилкаш кишиларни «зариф, зарофатли» деб улуғлашади. Зарофатли кишилар ҳамма халқда, ҳамма жойда бор. Улар намоён қилган зарифликни, закийликни, ўткир сўзларни, ҳозиржавоб мутойибаларни тўплаш, бошқаларга етказишни ҳам савобли иш деб биламан. Шу маънода, бир неча ҳангомаларни келтирамиз.

РОЗА БАҒЛАНОВАНИНГ ЖАВОБИ

Қозоқ халқининг севимли қўшиқчиси, машҳур халқ артисти Роза Бағланова бир шаҳарда концерт қўяди.

Албатта гуллар, қарсаклар, олқишлар...

Ниҳоятда завқланиб кетган бир томошабин ўрнидан туриб қичқиради:

— Мана шундай ажойиб қизлари бор халқимдан айланайин!!!

Роза опа қараса, сўз ташлаган одам тик қоматли, бақувват йигит экан.

Жавоб қилибди:

—Қозоқнинг сиздай бақувват йигитлари бор экан, биздай қизлар нега туғилмасин!

Залдаги кулгу, қарсакдан дераза-ромлар зириллаб кетади.

ОҚСОҚОЛНИНГ КАСБИ

1990 йил. Ашгабат шаҳридамиз. Махтумқулининг авлодлари, қабиладошлари яшайдиган қишлоққа бордик.

Сайл, мушоира, концерт, бахшилар мусобақалари...

Бир хонадонга кириб, овқатландик. Ўнга яқин адиб-шоирлар, меҳмонлар бор, Ўзбекистондан, Қозоғистондан, Беларусь, Украина — ҳамма республикалардан.

Меҳмонларнинг бири (туркман) девордаги сурат билан қизиқиб қолди:

— Бу ким?

Уй эгаси бу оқсоқол ўзининг бобокалони эканини, ундан жуда кўп фарзанд қолгани, ҳозир ҳар бири ҳар ерда, каттакатта лавозимларда ишлашини айтиб кетди:

— Фалон районнинг каттаконини биласиз-ку, мана шу бобомизнинг ўғли. Фалон райондаги прокурор бор-ку, уям бунинг ўғли, Мари вилоятида иккинчи котиб бўлиб ишлайдиган фалончиевни эшитганмисиз, уям мана шу чолнинг ўғли...

— Бу оқсоқолнинг ўзи ким деб сўраяпман?

— Айтяпман-ку, бизларнинг бобокалонимиз, бизлар ҳаммамиз шунинг суякларимиз... — Хонадон соҳиби яна санашга ўтди— Ашгабатда фалон вазирликда ўринбосар бўлиб ишлайдиган аёл бор-ку, уям шу оқсоқолнинг қизи. Қизиларватдаги ижроқўм раисининг...

— Тўхтанг, — деди меҳмон, — буёғи тушунарли. Бу оқсоқол кундуз куни нима иш қилган, шуни сўраяпман...

КУЛГУ ҚИРОЛИ — ШАКЕ

Нукусда «Шаке» десангиз ҳамманинг лабига табассум югуради. Шаке — Шомурод Ўтемуродов, театр артисти, халқнинг севимли кишиси. Қорақалпоғистонда уни танимайдиган, номини эшитибоқ пиқиллаб кулиб юбормайдиган киши йўқ. Паст бўйли, кичкинагина киши, мана шу инсон — Шаке («Шомурод ака» деган сўзнинг қисқартирилган, қорақалпоқча айтилиши). Шу Шаке — бутун қорақалпоқ диёрида кулгу қироли деб тан олинган! «Шаке шундай дебди...», «Шаке бир куни...»

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ШАКЕДАН БИР ЛАТИФА.

Шаке уйидан чиқиб, такси ушлабди. Театргача бориб, тушиб қолмоқчи бўлибди.

— Қани: қанча бўлди йўл ҳақи?

— Бир сўм берасиз, Шаке.

Шаке қараса, «80 тийин» деган ёзув ёзилган. Ие, бу нимаси?

— Иним, мана бу ерга «80 тийин» деб ёзиб қўйибди-ю, сен бир сўм дейсан?

— Ай Шаке-ай, — тушунтирибди ҳайдовчи, — бу саксон тийин ҳукуматники, менинг бола-чақам учун ҳам йигирма тийин қолдирмайсизми, ахир?

— Ҳа, шундайми, иним? Яхши, яхши — чўнтагини кавлабди Шаке. — Сен, иним, ҳукуматнинг ғамини ема, ҳукумат ўз кунини ўзи кўраверади, сен бола-чақангни ўйла, иним, яхшими? Ма, манов сенинг бола-чақанга...

Шаке шундай деб ҳайдовчига йигирма тийин узатибди.

ЎТКИР АКАНИНГ ИЛМОҒИ

Ўткир Ҳошимов — таниқли адиб, ажойиб ҳикоя, қисса, романлар муаллифи. «Кичик шумлик»ларини ҳам биласиз, бир нечтасини ўзи ҳам матбуотда эълон қилган, китоб бўлиб чиққан.

Бир куни жам бўлиб тушлик қилиб ўтирган эдик («Шарқ юлдузи» журналида ишлаб юрган йилларим). Ўткир ака менга қараб:

— Шоир, бир пайтлар. «Совет Ўзбекистони» газетаси «Қизил Ўзбекистон» бўлиб чиққан, биласиз-а? — деди.

— Биламан, иккинчими, учинчими синфда ўқиб юрган пайтларимиз, уйга келарди... — дедим.

— Ўша йиллар ҳамма республикаларнинг газетаси шундай номда чиқарди, биласиз-а?

— Биламан, биламан...

— Қозоғистонда «Қизил Қозоғистон» газетаси чиққан, биласиз-а?

— Биламан.

—Туркманистонда «Қизил Туркманистон»...

— Биламан.

— Қорақалпоғистонда ҳам шундай газета чиққан...

— Биламан, биламан...

— Номи «Қизил Қорақалпоқ» эди!

Кулишдик.

Мен шуни билмас эканман, ҳақиқатан ҳам ўша мустабид қизил империя даврида чиққан газетанинг номи «Қизил Қорақалпоғистон» экан...

(«Обуначи бурчаги» материалларини Музаффар АҲМАД саралади).

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО"

ҳиссадорлик жамияти

1996 йил 27-28 ноябрь кунларида республика ихтисослаштирилган ярмаркасини ва "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказади

Ярмарка кунларида фирма

- **Кенг турдаги электр техника, асбобсозлик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини** СОТАДИ.

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

- Электрон саноати маҳсулотларини, радиоаппаратларни, кам кучланишли ускуналари, ўлчов асбобларини, телефон аппаратларини, халқ истеъмоли молларини улгуржи ХАРИД ҚИЛАДИ.

Бошқа ҳар қандай амалий таклифларни кўриб чиқади.

- 1997 йилга электр техника, радиоэлектроника, асбобсозлик маҳсулотларини ва халқ истеъмоли моллари етказиб бериш ҳамда сотиб олиш юзасидан ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.
- **Шартномавий асосда исталган муддатга ўз омборхоналарини ижарага беради.**

Буларнинг ҳаммасини сиз ярмаркамизга ташрифингиз чоғида амалга оширишингиз мумкин.

Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча корхоналар ва ташкилотлар ярмаркага таклиф этилади.

Ярмарка эрталаб соат 10 дан ишлайди.

Ярмаркага шошилинг!

Биз сизларни қуйидаги манзилгоҳда кутамиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125.

Телефонлар: (3712) 48-53-48, 48-54-70, 48-25-46 Факс: (3712) 48-45-23.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Музей». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.25

*

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.40 Эълонлар.
19.45 «02» тўлқинида.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юки-но бо «Зао» тоғи». Телесериал (Япония).
21.20 «Эколот-коктейль».
21.50 «Эллада».
22.20 «Интер-спорт».
22.30 Зиёлилар ҳаётидан янгиликлар.
22.35 «Компьютер-ревю».
22.55 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида». Спорт кўрсатуви.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Доно бобо даврасида».
12.30 «Эл тинчлиги йўлида». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Театр учрашувлари».
13.30 Эстрада қўшиқлари.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 Нурилла ҳожи Абдуллаҳон ўғли. «Муҳаббат қасри». «Тож маҳал». Драма. 1 — 2-қисмлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Йигит омон бўлса...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Замонамиз қаҳрамони».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.45 «Репортаж».
22.05 «Дилнавоз садолар».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Соғлом авлод учун!»
23.25 Эълонлар
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили ...».
9.20 «Мульти-пульти».
9.25 «Таманно».
9.35 «Табиат шифохонаси».
9.45 Мулоҳаза учун мавзу.
10.05 Видео янгиликлари.
10.25 Дилором наволар.
10.30 Видео — «О».
12.10 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Боганч». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

19.15 — 21.35

*

21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Оқ йилқи», «Шаҳар шовқинларидан йироқда». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.25

*

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Монитор-Осиё».
20.30 «Ўзликни англамоқ». Хотин-қизлар ва жамият.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Коинот».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бумеранг».
22.40 Араб эстрадаси.
23.10 «Замин саховати».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Санъат олами».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Мен ёшликман».
11.00 «Хабарнома».
11.10 «Ёш куч». Тележурнал.
11.35 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».

*

12.05 «Баҳор»нинг янги баҳори».
12.35 «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм.
13.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
14.00 — 15.00 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Олтин мерос». Халқ артисти Наби Раҳимов.
21.50 «Дилнавоз садолар».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Куй ва тасвир».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Сангам». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.05 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 — 23.35 Видео — «О».

III

18.20 Дастурнинг очилиши.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.25 — 21.35

*

21.35 «Занданечи сири», «Тобольск ҳунармандлари». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
22.40 — 24.00

*

24.00 — 00.15 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Шанба эртаги.
10.30 Сиз учун учрашув.
10.55 «Чинсэн».
11.25 «Хит-коллекция». Дастурга мусиқий илова.
11.55 «Биз ва кино».
13.05 «Ассалом, Франция!».
13.35 «Клип-антракт».
13.40 «Комедиантлар».
14.00 — 15.05 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.40 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 2-серия.
22.10 «Ўзинг учун 5 дақиқа».
22.15 «Олам ва одам».
22.40 «Хит-коллекция».
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 «Комедиантлар».
23.40 «Жиллет-спорт».
00.10 Эълонлар.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Кувноқ стартлар».
11.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.20 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 17-куй.
13.00 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
14.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
14.30 — 15.30 «Ая ёққан чироқлар». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...»
18.15 «Ўргимчак тури». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев, «Кунгил кўчалари». Видеофильм 18-куй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Олтин кент».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Боланинг тили...»
18.30 «Мульти-пульти».
18.50 «Дилором наволар».
19.00 «Дармон».
19.10 «Таманно».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.20 «Дилором наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Муҳлис».
22.20 — 24.00 Видео — «О».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.45 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама».

IV

9.00 «Эй, Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Мусиқий Олимп».
13.50 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.20 Киносалон. Кевин Костнер «Қасос» фильмида.
16.30 «Иштирок этувчилар».
17.00 «Сенинг вақтинг».
17.30 «Телеташриф».
17.45 Эълонлар.
17.50 Мультэкран.

***

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 «Мультқарусель».
20.15 «Биргалашиб қўйлайлик».
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 Киносалон. Пьер Ришар ва Жерар Депардье «Омадсизлар» фильмида.
22.40 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
23.10 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий дастур.
23.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

"ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ" УЮШМАСИ

Мулкчиликдан қатъий назар барча савдо ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари Республика улгуржи сотув ярмаркасига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмаркада қандолат маҳсулотлари, нонвойлик ҳамиртурушлар, чой, алкогольсиз ичимликлар -минерал сув ва пиво маҳсулотлари бўйича 1997 йилга шартномалар тузилади.

ЯРМАРКА 25, 26, ва 27 ноябрь кунлари қуйидаги манзилда ўтказилади:

ТОШКЕНТ вилояти, Салар ГЭС посёлкаси, "Роҳат"ҳиссадорлик жамияти (аввалги Қибрай яхна ичимликлар комбинати).

Автобуслар: 491 - Луначарский марказидан. 53 - маршрут такси "Мустақиллик" майдони метро станциясидан- "Янги Тошкент консерва заводи" бекати.

Маълумот учун телефонлар: 63-87-09, 41-74-40.

Бокс

«МИСТЕР НОКАУТ»НИНГ ХАТОСИ

Афсонавий Майк Тайсон кутилмаганда енгилиб, жаҳон чемпиони номини бой берди. У Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган профессионаллар жангида, иккинчи раунд тугашига 37 сония қолганда Эвандер Холивилднинг нокаутли зарбидан кейин ўнгланолмай қолди. Ҳар қандай рақибини биринчи раунддаёқ чилпарчин қилишга ўрганган ва «Мистер нокаут»номини олган Майк кўп раундга кўникма ҳосил қилмаган кўринади. Зеро, яқин ойларда такрорий учрашув бўлиши кутилмоқда.

«Ўзтадбиркорбанк» акционерлик-тижорат банки Челак тумани бўлими жамоаси бош иқтисодчи Зайниддин Жўраевга отаси, тиббиёт фахрийси **Турсун ЖЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика Саломатлик маркази жамоаси шу жамоанинг собиқ ходими, доцент **Абдували ШОМИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Диққат, обуна давом этмоқда!
Азиз юртдошлар!

"ОБУНА 97"

ОСИЁ БОЗОРИ

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА